

## БАРЧА ДАРАЖАДАГИ РАЎБАРЛАР БИР МАҚСАД — ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган изчил ислохотлар, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 30 март куни Жиззах вилоятига ташриф буюрди.**

Жиззах вилояти қадимдан шарқ ва ғарбни боғловчи Буюк ипак йўлининг муҳим қўналгаларидан бири бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ҳудуднинг юртимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти янада ортиди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли ҳудуднинг қулай жугрофий ва транспорт-коммуникация имкониятларидан, ер ости ва ер усти бойликлари, улкан иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланилмоқда.

Президентимиз ўтган йил 28 апрель куни вилоятга ташрифи чоғида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни билан танишган, аҳоли фаровонлиги, янги иш ўринлари яратиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берган эди. Ўтган вақт давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари тамал тоши қўйиб берган Зафаробод туманидаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиш нафакат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида қатъи воқеа бўлди. Аини пайтда лойиҳа қиймати

2,2 миллиард АҚШ доллари бўлган корхона бунёд этиш ишлари юқори суръатларда давом этмоқда. «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида хорижий инвестициялар иштирокида бунёд этилаётган «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» заводи, яқинда ишга туширилган шиша маҳсулот ишлаб чиқарадиган «Ming Yuan Sily industry» масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона, Жиззах шаҳрида бунёд этилаётган «SILK EXPERT processing» ипак етиштириш ва қайта ишлашга иқтисослашган Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси мамлакатимиз иқтисодиёти юқалишига хизмат қилади.

Ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли бундай йирик лойиҳалар олис туманларда ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Фориш туманининг Эгизбўлок кишлоғида Буюк Британиянинг «Leigh Barrier LLP» компанияси билан ҳамкорликда «Mega invest industrial» МЧЖ шаклидаги композит арматуралар ишлаб чиқариш заводи, Галлаорол

туманидаги «Marjon global» доривор гиёҳларни қайта ишлаш, Зомин туманида «Зомин-Фарм» эркин иқтисодий зонаси таркибидаги корхоналар вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз бу галги ташрифи давомида вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, аввалги ташрифда берилган топшириқлар ижроси, аҳолининг талаб-эҳтиёжлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Зарбдор туманидаги «Zarbdor textile» масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Жорий йил апрель ойида ишга туширилган режалаштирилган корхонада 17,5 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

Корхонада йилга 31 миллион квадрат метр мато ҳамда 6,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Корхона ўз фаолиятини бошлаши билан 864 иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқаришни кенгайти-

риш эвазига жорий йил учинчи чоратида яна 196 нафар хотин-киз иш билан таъминланади.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ўзимизда тўлиқ қайта ишланиши қўшимча қийматли маҳсулот тайёрлаш билан бирга, янги иш ўринлари яратиш имконини беришини таъкидлади.

Шу ерда Жиззах шаҳридаги собиқ тўқимачилик комбинатининг бўш турган бинолари негизда замонавий тўқимачилик мажмуаси барпо этиш, «Жиззах», «Зомин-фарм» эркин иқтисодий зоналарида 2018-2019 йиллар учун режалаштирилган инвестиция, шунингдек, вилоятда енгил саноат ва кишлоқ ҳўжалиги соҳаларида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички ишлар бўлимида бўлди.

Юртимизда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини, аҳоли тинчлиги ва осойишта-

лигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бунга профилактика, тезкор-кидирув, тергов, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнган хавфсизлиги, қўриқлаш, патруль-пост хизматлари, сафарбарлик отрядлари қайта ташкил этилаётгани, ички ишлар органларининг моддий-техник базаси мунтазам мустаҳкамлаб борилаётганида ҳам қўриш мумкин.

Президентимиз 2017 йил 17 август куни ички ишлар идоралари ходимлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Жиззах шаҳрида «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини татбиқ этиш бўйича топшириқ берган эди. Ушбу топшириқ ижроси бўйича Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички ишлар бўлини масида «Хавфсиз шаҳар» бошқарув ситуацияси маркази ташкил этилди.

Марказ йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнган хавфсизлиги, қўриқлаш хизмати, патруль-пост хизмати ва бошқа тармоқларни геонформацион тизим орқали бошқаради.

2»

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ

### Э.А.САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Эргаш Алибекович Салиев** Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 30 март

### КУН НАФАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Унда қатор вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қосида Аккредитация марказини ташкил этиш ва Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш ва инспекция назорати бўйича вазифаларини, синов ва калибрлаш лабораторияларини, шунингдек, илгари берилган аккредитация гувоҳномалари тўғрисидаги марказлаштирилган маълумотлар базаси ва материалларни Марказга ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқулланган.

Марказнинг асосий вазифалари белгиланган бўлиб, қарор қабул қилинди.

\*\*\*

Жорий йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод кишлоқ» дастури тўғрисида»ги Фармони ва «Обод кишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу фармон ва қарор шарҳида қайд этилганидек, республикаимиз аҳолисининг салкам ярми кишлоқ ҳудудларда яшаб келаётганлиги ҳамда уларнинг фидоқорона меҳнати, деҳқон, фермер, чорвадор ва миришкорларнинг савий-ҳаракатлари натижасида дастурҳонимиз мўл-кўл бўлаётгани «Обод кишлоқ» дастурининг қабул қилинишида асосий омил бўлган.

Унга қўра, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарида, аввало, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда 2018 йилда 2 тадан ва келгуси йилларда 3 тадан кишлоқда (маҳаллада) аҳолининг яшаш шароитларини босқичма-босқич тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлашга, мазкур кишлоқларнинг (маҳаллаларнинг) қиёфасини замонавийлаштиришга ва кишлоқ аҳолиси учун иш жойларини яратишга қаратилган «Обод кишлоқ» дастури амалга оширилади.

Қайд этилишича, мазкур дастурнинг қабул қилиниши ва ҳаётда изчил татбиқ этилиши маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, бу боралари кадрларимизни изчил давом эттирган ҳолда, барча ҳудудларда кенг қўламли бунёдкорлик ишларини бажариш орқали кишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтириш, энг асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этишга хизмат қилади.

Фармон ва қарорнинг тўлиқ матни билан **Ishonch.uz** сайтида танишишингиз мумкин.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2018 йил 30 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Бошқарув раиси М.Нурмуратов ўз ҳисоботида пул-кредит сиёсати кучли инфляция босими сақланиб турган ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар фаол босқичга ўтган, шу жумладан, валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти эркинлаштирилаётган бир шароитда олиб бориладигани қайд этди. Шу сабабли асосий эътибор пул-кредит сиёсати воситаларидан самарали фойдаланишга қаратилди.

Марказий банк тижорат банкларининг капиталлашув ва ликвидлик даражасига қўйилган талабларни қучайтирди ҳамда 2017 йил июнь ойида қайта молиялаштириш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизга қўтарди. Шу билан бирга, кредитлаш ҳажмлари тез суръатларда ўсиши натижасида ликвидликнинг таққилиғига йўл қўймаслик учун 2017 йилнинг иккинчи ярмида тижорат банкларига қайта молиялаштириш кредитларини бериш механизмлари жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини ижро этиш асносида 2017 йил сентябрдан бошлаб миллий валюта айирбошлаш курсини аниқлашнинг бозор механизми жорий этилди, шунингдек, аҳоли ва тadbиркорлик субъектлари учун валюта маблағларини сотиш, сотиб олиш ва тасарруф этишга қўйилган чекловлар олиб ташланди.

2017 йилда тижорат банкларининг жами капитали 2,3 баравар ортиди ва 20,7 триллион сўмга етди. Капиталнинг етарлилик кўрсаткичи 18,8 фоизга ошди, бу эса халқаро нормалардан 1,8 баравар ортиқдир. Тижорат банкларининг жалб қилинган депозитлари умумий ҳажми 1,6 баравар ортиди ва 58,7 триллион сўмни ташкил этди. Банклар активларининг умумий ҳажми 2 баравар қўлайди ва 2018 йил 1 январь ҳолатига қўра 166,6 триллион сўмни ташкил этди.

Банклар фаол кредит сиёсатини амалга оширишни давом эттириши натижасида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг жами ҳажми 2,1 баравар ортиди



ва 110,6 триллион сўмни ташкил этди. Ҳусусан, тижорат банкларининг томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 16,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2016 йилга нисбатан 1,3 баравар кўпроқдир.

Кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 19,6 триллион сўмлик кредитлар, шу жумладан, 4 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Жумладан, аёлларнинг тadbиркорлик фаолияти ривожланишини рағбатлантириш мақсадида 2,8 триллион сўмлик, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 3,6 триллион сўмлик ҳамда оилавий тadbиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 490,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Кишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида тижорат банклари томонидан кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш учун 1,8 триллион сўмлик ипотека кредитлари берилди.

2017 йилда банк тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар Марказий банк пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш, банк тизимининг молиявий барқарорлигини, унинг тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги ролини янада мустаҳкамлаш ва инвестиция жараёнларидаги иштирокини фаоллаштириш имконини берди, шунингдек, мамлакат макроекономи-

дий барқарорлигини мустаҳкамлади.

Сенаторлар ҳисобот муҳокамаси давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар бердилар. Банк фаолиятини назорат қилишнинг халқаро принциплари талаблари ҳамда бошқа чора-тадбирлар асносида капиталнинг етарлиги, тижорат банкларининг ликвидлиги ва барқарорлигига доир талаблар бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини қучайтириш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабонлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан назарда тутилган банк хизматларининг қулайлиги даражасини ошириш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ва тadbиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини тубдан ошириш бўйича вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш зарурлиги қайд этилди. Бизнес ва инвестиция муҳитини яхшилаш, пул-кредит сиёсати монетар омилларининг инфляцияга кўрсатадиган таъсирини қамайтириш орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

2»

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:  
Абдумунин Абдуҳақович **Абдуллаев** муддатсиз даврга

Волида Рустамовна **Ахтимова** ўн йил муддатга  
Жамшид Уктамович **Тиркашев** ўн йил муддатга  
Илхомжон Хақимович **Раҳманқулов** ўн йил муддатга

Сайлаубай Аманбаевич **Мамбетқадиров** ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан:  
Ихтияр Уралович **Қасимов**  
Нематжон Аҳмеджонович **Ақбаров**  
Раҳат Аминбаевич **Исмаилов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Сенатининг Раиси **Н.Йўлдошев**  
Тошкент шаҳри,  
2018 йил 30 март

Саховат

## Одамлар яхши яшасин... бунда жамоат ташкилотининг ўрни бўлакча

Аҳолининг муаммоларини аниқлаш, ўларга аниқ амалий ечим топиш оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганувчи Республика ишчи гуруҳининг асосий мақсадидир. Галдаги ўрганиш асносида Поп туманидаги қўлаб масалаларга ечим топилди. Эзгулик барибир яхши-да, бугун «Янги Тўда» маҳалла фуқаролар йиғини Янгиобод қўчасида яшовчи 54 ёшли Рискинисо Қамбарованинг қувончи чексиз. Қўни-қўшниларга хурсандлигини айтиб, адо қилолмаяпти.

3»



# БАРЧА ДАРАЖАДАГИ РАҲБАРЛАР БИР МАҚСАД — ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

«1

Бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари, замонавий сигнал узатиш техникаси бунда қўл келади. Бу жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, уларни тез фуратларда қош этишда муҳим аҳамиятга эга.

— Бу каби видеокузатув мосламаларини шаҳардаги профилактика инспекторлари хонаси, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар атрофига ҳам ўрнатиш керак, — деди Президент. — Шунда ўқитувчи ва ўқувчиларда ҳам масъулият янада ошади.

Бўлимга икки қаватли бинода жойлашган бўлиб, бу ерда «Заргарлико» маҳалла фуқаролар йиғини, маҳалла посбони, профилактика инспектори хоналари ўрни олган.

Шавкат Мирзиёев маҳалла раиси ва профилактика инспектори билан аҳоли фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш масаласида суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбарига ички ишлар бўлими томонидан ишлаб чиқилган мобиль дастур ҳақида маълумот берилди. «Jizzax PB» мобиль дастури аҳоли учун бепул бўлиб, фуқароларнинг мобиль телефонга юкланади. Ушбу дастур орқали фуқаролар қилинган бўлган ва берадидан кетган шахслар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, профилактика инспектори фаолиятига оид маълумотларни олиши мумкин.

Ходимларга тезкор ахборот етказиш мақсадида виллоятдаги уяли алоқа компанияси билан ҳамкорликда 2 мингдан ортиқ телефон рақами тарқатилган. Мазкур қўлайлик орқали тезкор ахборот етказиш имкони яратилмоқда. Яъни, навбатчилик қисмида мавжуд бўлган планшет орқали кунлик содир бўлган жиноятлар, йўл-транспорт ҳодисалари, эслатма ва янгиланган ходимларга тезкорлик билан етказилади.

Давлатимиз раҳбари тегишли мутасаддиларга ушбу тизимни янада такомиллаштириш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Шу ерда Президентимиз бир гуруҳ нурунийлар билан учрашди, самимий ва очик руҳда ўтган суҳбатда мамлакатимиз ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳақида суз юритилди.

Кейинги манзил Жиззах шаҳар Мустақиллик кўчасида барпо этилаётган кўп қаватли арзон уй-жойлар бўлди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан барпо этилаётган мазкур уй-жойлар аҳолининг кенг қатлами учун замонавий уйлardan фойдаланиш даражасини тубдан ошириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни

таъминлашга хизмат қилмоқда. Бундай замонавий уйлар юртимиз кўрғига кўрк қилиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, одамларда давлатга, эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамламоқда.

Жиззах шаҳрида қурилаётган уй-жойларни жорий йил сентябрь ойида тўлиқ фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. 7 қаватли, 420 хонадонга мўлжалланган уйлар 2 ва 3 хонали. Шаҳар кўрғига кўрк қўлаётган ушбу 10 та уй уй-жойга муҳтож аҳолини босқичма-босқич замонавий уйлар билан таъминлаш имконини беради.

Президентимиз янги қурилаётган уй-жойлар лойиҳалари билан танишди.

Шу ерда виллоятда олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шароф Рашидов туманидаги Учтепа шаҳарчасида кўп қаватли турар жой биноларининг жойлашув лойиҳаси, мазкур тумандаги «Тоқчилик» ҚФЙ ҳудудидан барпо этилаётган замонавий 3-4 қаватли арзон уй-жойлар массиви лойиҳаларида аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олинган бўлиб, қурилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилади.

Бундан ташқари, Жиззах шаҳридаги Исмоил Каримов кўчаси бўйлаб қуриладиган инфратузилма объектлари, кўп қаватли турар жойлар, «Сайлжойин» маҳалласи ҳудудидagi 37-мактабгача таълим муассасаси биносини қайта таъмирлаш каби катор истиқболли лойиҳалар тақдим этилди.

— Жиззах шаҳрида кенг қўламли қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Шунинг учун бу ерда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш керак, — деди давлатимиз раҳбари. — Ана шунда қурилаётган биноларнинг нархи арзон тушади.

Президентимиз виллоятда ичимлик сув тизимини ривожлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича барча манбаларни ишга солиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Жиззах виллоят кўп қаватли уй-жой фондини таъминлаш дастурига асосан, 2017 йилда 345 та кўп қаватли уй-жой таъмирланган. Бу ишларни амалга оширишда тижорат банклари томонидан 16,3 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган. 2018 йилда 409 та кўп қаватли уй-жой ва уларнинг атрофини ободонлаштириш кўзда тутилган. Ушбу мақсадларга 59,6 миллиард сўм маблаг жалб этилади.

Шавкат Мирзиёев лойиҳалар билан батафсил танишди. Мутасаддиларга ажратилган маблағлар, қурилиш ишларини яқинда етказиш муддатини назорат қилиши топшириди.

Президентимиз Дўстлик туманидаги Манас кишлоғига ташриф буюрди.

«Манас» кишлоқ фуқаролар йиғинида Жиззах виллоятда кишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришга қаратилган

лоиҳалар тақдими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари терини қайта ишлаш, агросаноат мажмуаси ва озиқ-овқат кластери барпо этиш, туя сутти билан даволайдиган клиника ташкил қилиш борасидаги тақлифларга алоҳида эътибор қаратди. Аҳолининг томорқа хўжаликлари билан самарали фойдаланишга қўмаклашиш, фермер ва деҳқон хўжалиқларига бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича консалтинг хизмати кўрсатиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

«Обод кишлоқ» дастурининг амалга оширилиши чекка ҳудудларда яшаётган миллионлаб юртдошларимиз ҳаётини яхшилашга, уларга муносиб турмуш тарзи яратишга қаратилган долзарб вазифа экани таъкидланди. Манас кишлоғи мамлакатимизда бошланган «Обод кишлоқ» дастурини таъкид этишда намуна сифатида тарихда қолди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида виллоятнинг энг чекка ҳудудидан барпо этилган Манас кишлоғида бугунги кунда 6,5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Кейинги йилларда инфратузилма иншоотлари, кўча ва йўллар, ичимлик суви, иссиқлик, электр энергияси таъминоти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш талабига жавоб бермаслиги натижасида одамлар анча қийналаётган эди.

«Обод кишлоқ» дастури асосида бу ерда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан киска муддатда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Дастур доирасида сизот сувлари сатҳи кўтарилишини бартараф этиш учун 41 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Икки қаватли 34 та уйнинг томи қайта ёпилди. Уй-жойлар атрофидаги режасиз қурилишлар ўрнида янгидан ёрдамчи бинолар, тандирхоналар қурилди. Мева ва 10 минг тулдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида «Сувоқова» давлат унитар корхонаси жамоаси томонидан 6,5 километрлик сув қувури ётказилди. Сув тарқатиш иншоотлари таъмирдан чиқарилди. 2-умумтаълим мактаби таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Ушбу мактабларда ўқув-ишлаб чиқариш устакхонаси барпо этилиб, дурадорлик, чилангарлик, тизувчилик дастгоҳлари билан таъминланди. 17 бошлар майдончаси, 2 минг футбол майдони, 250 ўринли стадион барпо этилди.

«Обод кишлоқ» дастурини амалга ошириш бошлангандан буён кишлоқда 200 дан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, «Жиззахпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг 100 ўринли, «Заминтекс» масъулияти чекланган жамиятининг 20 ўринли тизувчилик цехлари қурилиб, кишлоқ хотин-қизларидан 120 нафари ишга жойлаштирилди.

30 иссиқхона, кўп қаватли уйлarda яшовчи фуқароларнинг молларини боқиш учун 100 бошга мўлжалланган замонавий ферма қурилди. Ветеринария пункти ишга туширилди. Замонавий қўринишдаги 31

савдо дўкони, новвойхона, ҳаммом барпо этилди. 500 ўринли «Манас» маданият саройи тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, маданий-маърифий масканга айлантирилди. Кишлоқ врачлик пункти қайта реконструкция қилиниб, унинг ўрнида 500 катновга мўлжалланган оилавий поликлиника ташкил этилди.

Президентимиз мазкур поликлиникадаги шартонларни кўздан кечирди.

— Жойларда замонавий тиббиёт муассасалари барпо этаётганимиз яхши, албатта. Эндиги талаб ушбу муассасаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишдан иборат бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев кишлоқда «Ўз-донмашуло» акциядорлик компанияси ташаббуси билан барпо этилган новвойхонани бориб кўрди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган новвойхонада кунта 30 турдаги 2 минг донна қилили нон тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари кишлоқдаги 125 ўринли «Айчирек» мактабгача таълим муассасасида ҳам бўлди. Жанубий Корея стандарти асосида барпо этилган ва жиҳозланган муассасада болаларнинг илгор хорижий тажрибалар асосида дастлабки билим ва қўникмаларини шакллантириш учун барча қўлайликлар яратилган.

«Манас» маданият саройида кўп қаватли турар жойларнинг қурилиш ишлари назорат қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, виллоят ва туман ҳокимлари иштирокчида ўтган йилгишда туманлар билан видеоконференция орқали мулоқот қилиниб, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топилиди.

Янги саноат корхоналари ташкил этиш, кишлоқ хўжалигини ислохотларни давом эттириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Пахта майдонини қисқартириш эвазига мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, махсулотни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган корхоналар ташкил этиш, экспорт-боп экнилар экити, тоғолди ҳудудларда доривор ўсимликлар етштириш, чорвачиликни ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъясига биноан Жиззах виллоят ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимига ишлаб келаётган Эргаш Солиев Жиззах виллоят ҳокими этиб тайинланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах виллоятга ташрифи давом этмоқда.

**Абу Бакр ҲОЗОВ,**  
**Матназар ЭЛМУРДОВ,**  
**Умар АСРОДОВ,**  
**Ўза** махсус мухбирлари

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

«1

Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитди.

Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини такомиллаштириш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочиларга ҳамда аҳолига етказишнинг самарали механизмларини яратиш йўлида бир қатор тадбирлар ўтказилаётганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижро этиувчилар ва аҳолини ҳуқуқий хабардор қилиш сифатини ошириш чоралари қўрилмоқда. 2017 йил 7 сентябрь куни «Ҳуқуқий ахбороти тарқатиш ва ундан фойдаланиш тизимини таъминлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унда давлат органлари, вазирликлари ва идораларнинг, махсус ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ахборотини тарқатиш борасидаги ваколатлари, ҳуқуқий ахборотини тарқатиш тартиби ва механизмлари белгиланган.

Қонун ҳужжатларини тезлик билан тарқатиш мақсадида ҳимояланган алоқа каналлари (VPN) орқали идоралардо элекрон ҳамкорлик тизими ишга туширилганлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 20 миллионга етганлигидан қилиб чиқиб, Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларини аҳолига етказиш учун интернет имкониятларидан имкон қадар қўпроқ фойдаланмоқда. «Фейсбук», «Инстаграм», «Твиттер», «Одноклассники» каби оммабоп ижтимоий тармоқларда вазирлиқнинг саҳифалари очилди. Охириги 4 йил ичида 100 мингдан зиёд киши мазкур саҳифаларга кирди. Бундай саҳифалар одамлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш мақсадига айланди. Вазирлиқнинг «Халқ билан мулоқот» саҳифаси интернетдаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, ушбу саҳифага 100 минг киши қўшилди. «Телеграм» мессенжердаги «Ҳуқуқий ахборот» канали 4 ой олдин ишга туширилди ва бугун 80 минг обунасига эга. У орқали 2 500 дан ортиқ ахборот тарқатилди.

Ҳуқуқий тарғибот соҳасида фойдаланувчиларнинг фаоллигини ошириш мақсадида танловлар эълон қилинди. Уларнинг қилинганлиги муносиб рағбатлантирилмоқда.

Қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ижтимоий тармоқлар орқали тушуниш мақсадида уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) «Ҳуқуқий ахборот» видеоблоги лойиҳаси ишга туширилди.

Қўпчилик, айниқса, кишлоқ жойлардаги аҳоли интернетдан фойдалана олмастлигини инобатга олиб, Адлия вазирлиги республика минтақаларида ишлар ҳолатини ўрганиб чиқди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасида жиддий нуқсонлар мавжудлиги аниқланди, бу эса янги ёндашувларни излаш ва жорий этишни таъқозо этмоқда. Шу муносабат билан киска вақт ичида қолдаслар ва қонун ҳужжатлари тўламли равишда 70 минг нусхада чоп этилди ва жойларда тарқатилди.

Мамлакатимизга инвестициялар кiritиш эҳтимоли бўлган сармоядорларни Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлардан хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий қонун ҳужжатлари базасининг инглиз тилидаги версиясини яратиш устида иш олиб боришмоқда.

2017 йилда давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифатга доир ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашининг янгиланган таркиби тасдиқланди, мазкур кенгашнинг ҳудудий комиссиялари тузилди.

Бироқ Идоралараро кенгашнинг бу йўналишдаги фаолиятида қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, давлат органлари томонидан ҳуқуқий тарғибот соҳасида ўтказилган тадбирлар таҳлил қилинмайди, давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишлари устидан таъсирли назорат ўрнатилмаган, тадбирлар эскирган форматда ёки расмийлик учун ўтказилмоқда.

Ахборот муҳокамаси давомида сенаторлар Адлия вазирлигининг ушбу соҳадаги фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан тақлифлар ва тавсиялар бердилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масаласини қўриб чиқдилар.

Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, халқимизнинг узоқ йиллик қадриятлари ва аъёналарини ўзда акс эттирди.

Бироқ кейинги пайтларда оилавий тадбирларни ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз

қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳолини инобатга олмастлик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёналарини меънаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Оилавий тадбирлар билан боғлиқ жуда катта ортиқча сарф-харажатлар оилаларнинг нафакат ижтимоий аҳолига, балки бутун ҳаётга, қолаверса, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Таҳлилларга қараганда, ёш оилалар ўртасидаги аксарият ажралишлар тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ҳолда қилиб чиқилган можазлар оқибатида юз бермоқда.

Ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ОАВ орқали Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Нуроний» жамғармаси фаолларининг мурожаати эълон қилинди. Унда давлат, нодавлат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик сай-харақатларини бирлаштирган ҳолда бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга қақирилди.

Сенатда «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жорий йилнинг 5-25 март қунари кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Бу даврда тегишли оқиналар ва даврий босма нашрларда юзга яқин материаллар эълон қилинди. Етақчи интернет нашрлари ҳамда ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган материаллар 1,6 миллион мартаба ўқилди. Кенг умумхалқ муҳокамалари жараёнида фаол иштирок этган 400 мингдан ортиқ фуқаро қарорини янада такомиллаштириш бўйича қўлаб тақлиф ва фикрларни билдирди.

Оилавий тадбирларни тартибга солиш жамият учун ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги боис, аҳоли томонидан билдирилган тақлиф ва фикрларни инобатга олиб, мазкур масалани тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мукамал ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорини қабул қилди.

Ушбу қарор билан тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга оид жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи тўзилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб ушбу масаланинг ОАВ, шу жумладан, интернет нашрларда фаол муҳокама қилинишини ташкил этиш, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда оилавий тадбирларни ўтказиш борасида шаклланган ўзига хос урф-одат ва аъёналарини аҳоли иштирокида ҳуқуқ ўрганиб чиқишдан иборат деб белгиланди. Ишчи гуруҳга муҳокамалар якуни бўйича асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш ва лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига қўриб чиқиш учун тақдим этиш топширилди.

Шунингдек, қарор билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотларига тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқ ўрганиб, Ишчи гуруҳга асосланган тақлиф қилиш топширилди.

Бундан ташқари, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази аҳоли кенг қатламлари ўртасида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ихчам ва тартибли ўтказиш бўйича ижтимоий сўров ўтказиб, Ишчи гуруҳга умумлашган таҳлилий маълумот тақдим этиши топширилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди таркибига ўзгартишлар қилиш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Олий Мажлиси Сенати ваколатига қирувчи бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ушбу тўртинчи ялпи мажлис давомида 20 та масала, шу жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион соғалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил ижро этишга қаратилган 13 та қонун қўриб чиқилди. Таъкидланганидек, сенаторлар томонидан қабул қилинган қарорлар халқаро ҳамкорликни кенгайтиришни, мамлакатимиз теъарағида ҳавфсизлик муҳитини яратишнинг, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қоплатилишини янада мустаҳкамлашнинг, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлашнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Ахборот хизмати**

### Санкт-Петербургдан «Ishonch» учун

30 март куни Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ижтимоий-меҳнат муаммоларига бағишланган IV халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

## Муаммолар ечими ҳамжиҳатликда



Қасаба уюшмаларининг Санкт-Петербург Гуманитар университетидан ташкил этилган конференция ишида бир қатор халқаро ташиқлотлар ва давлатлардан келган соҳа вакиллари қатори Ўзбекистон қасаба уюшмалари мутасаддилари ҳам қатнашди.

Анжуман иштирокчилари университетнинг ўқув-услубий амалиёти билан танилар экан, нуфузли

таълим муассасасининг бу борадаги ўзига хос ёндашувига ижобий баҳо бердилар. Бинобарин, Россия Федерацияси Давлат раҳбарларидан тортиб, ушбу мамлакатда фаолият юритаётган аксарият мамлакат элчилари ҳам кўҳна шахарнинг ушбу замонавий ҳо-зиржавоб маърифат масканига алоҳида эътибор қаратиши аҳамиятга молик. Талабалар таҳсил олиш билан бирга, бу масканда том маънода яшаш имконига ҳам

эгадилар. Бу эса, ўз ўрнида, соҳага ҳаётда товланган, ўз соҳасини ҳуқуқ эгаллаган мутахассислар этишиб чиқишига хизмат қилади.

Анжуман Кемерово шаҳрида юз берган фожиали воқеалар қурбонларини хотирлаш билан бошланди. Россия мустақил қасаба уюшмалари Федерацияси раиси М.Шмаков Президент В.Путиннинг халқаро анжуман иштирокчиларига табригини ўқиб эшиттирди. Қасаба уюшмалари ҳамда ижтимоий ҳамкор ташки



# КАСАБА УЮШМАЛАРИ

## меҳнаткашларнинг ҳамкори ва таянчи

### Одамлар яхши яшасин...

бунда жамоат ташкилотининг ўрни бўлакча

«1

— Мен ҳам ёш эдим, елиб-югуриб ишлаганман, — дейди Рискенис ая. — Такдир экан, вақт ўз таъсирини ўтказиб, оёқ-қўлдан мадор кетмоқда. Уч кизни дунёга келтирдим, би-роқ хўжайиним менга ўғил керак, дея оилани ташлаб кетгач, уларни ёлғизликда тарбияладим. Аллоҳнинг синови экан, 2015 йилда бўйи етиб қолган катта кизим касалликка учраб оламдан ўтди. Кейингиларини турмушга узатдим. Хозир уйда ёлғиз яшайман. Қишлоқчилик, газ йўқлигига қўниқиб ҳам кетганмиз, хайриятки, бу йил электрда кўп узиллишлар бўлмади. Аммо бир ўзимга ўчоқ осиб қийинчилик туғдирди. Газ баллоним бор, аммо плитам йўқлиги учун ундан-мундан вақтинчага олиб ишлатиб турардим. Ишчи гуруҳ келиб «Биздан нима ёрдам?» деб сўраганида, ичимда бир нарса олов-нандек бўлди. Эртасигаёқ касабга уюшмасидан совға деб, плита келтириб беришди.

\*\*\*

«Навбахор» МФЙда яшовчи пенсионер Мадина Файзиёва ҳам касабга уюшмаси томонидан газ плитаси билан таъминланди. Шунингдек, унга «Нихол» сихаттоҳида саноатлигини тиклаши учун имтиёзли йўлланма берилди.

\*\*\*

— Ишчи гуруҳнинг ўрганиш чоғидаги «Нима ёрдам қилайлик?» деган саволига «Ишлагимиз учун имконият яратиб беринлар, дегандим», — тўлқинланиб сўзлайди «Поп» МФЙ Обод кўчасида истикомат қилувчи Махмуд Хозиралиева, — 69 ёшли онам доимий қаровга муҳтож. Уч марта инсултин бошдан ўтказди. Ёлғиз ўғлим билан эртаю-кеч парвонамиз. Шу пайтгача тикувчилик билан шугулланиб, рўзгор тебратганман. Бироқ замонасига лойик, янги-янги чок машиналари пайдо бўлди. Менинг оддий қўл машинада тикканларим рақобатга бардош беролмай қолди. Буни қарангки, ниҳоят армоним ушалди. Поп тумани тиббиёт бирлашмаси касабга уюшма кўмитаси раиси Зокиржон Шарипов 23 тур чок тикадиган замонавий тикув машинасини олиб келиб берди. Бу яхшиликни ҳеч қачон унутмайман. Насиб қилса, жиянларим, қўшни кизларни ёнимга олиб, цех очмоқчиман.

\*\*\*

Худди шундай саховат «Пиллакаш» МФЙда

истикомат қилувчи Дилафрўз Ҳакимовага ҳам кўрсатилди.

— Туманимиздаги ип-йигирув фабрикасида меҳнат қиламан, — дейди Д.Ҳакимова. — Фаолият смена асосида йўлга қўйилгани учун икки кун ишлаб, бир кун дам оламан. Бўш вақтимда кўрпа, кўрпача, ётоқ жилд тикиш билан шугулланиб даромад топтоқчиман.

Дарвоқе, оилادا 3 нафар фарзанд вояга етаяпти, харажатлар эса борган сари кўпайиб бормоқда. Дилафрўз опа ишдан кейин фойдали меҳнат билан шугулланишни ниёт қилиб юрган бўлса-да, моддий имконияти туфайли қўли қисқалик қилаётган эди. Бир кун ичида унга тикув машинаси келтириб берилгани, уйда ўтириб қўшимча фойда олишга, рўзгорини бутлашга яхши шaroит яратилганидан мамнун.

Умуман олганда, ишчи гуруҳлар тавсияси билан Поп туманида касабга уюшмаси томонидан эҳтиёжмандларга 5 та газ плитаси, 2 та тикув машинаси ҳадя қилинди. Шунингдек, санаторийларга йўлланмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017

йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш йўлидаги саъй-харажатлар ўз самарасини бераётир. Мухими, кўрсатилган ёрдамлар натижасида жорий йил 15 март ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 260 та рўйхатда турган кам таъминланган оилаларни маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали рўйхатдан чиқаришга эришилди.

Жорий йилда қарорда кўзда тутилган тадбирлар учун 106 та оилага 1 млрд. 209 млн. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Бунда уй-жойи бўлмаган ёки авария ҳолатидаги ва эскириб қолган уйларда яшовчи оилаларга арзон бошпана қуриб бериш, таъмирга муҳтож оилаларнинг уйини таъмирлаш, машинаш техника (газ ва электр печлар, ҳолодильниклар, тикув машиналари)ни олиб бериш ҳамда оғир касалликлар мавжуд бўлган тақдирда тиббий хизматлар ҳақини тўлаш каби бегараз ёрдамлар кўрсатилди.

Энг асосий мақсад, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш орқали уларга яхши ҳаёт тарзини яратиш ҳамда даромад топишга иштиёқ уйғотиш, ташаббусларни рағбатлантиришдан иборатдир.

Дилдора РАҲМОНОВА,  
«Ishonch» мухбири

Кўмак

Ўтган йилда «Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятида штат бирликлари қисқартирилишга тушган ходимлардан 129 нафари касабга уюшма аралашуви ва тавсиясига биноан меҳнат фаолиятини давом эттирадиган бўлди. Уларнинг айримлари пенсия ёшига етганлар ўрнига қабул қилинган бўлса, бошқалари сиртки курсларда ўқитилиб, мутахассислиги ўзгартирилди.

## Касабақўм кунимга яради

Жумладан, Саодат Солиева жамиятнинг Ховос тумани корхонасида назоратчи бўлиб ишлаган. Касабақўм раиси Шавкат Мирзабеков унга яқин бўлган ҳудуддаги Ширин шаҳар бўлимига назоратчи сифатида ишга жойлаштиришга кўмаклашди.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди Янгир корхонаси назоратчиси бўлиб ишлаган яна бир ходим Азиза Маҳмадқулова. — Ишхонамни яхши кўраман. Шундай катта жамоа аъзоси эканимдан ҳамиша фахрланганман. Қисқаришга тушганимда ҳамкасбларим қатори касабга уюшмасига мурожаат қилдим. Жонқуяр инсонларнинг маслаҳати билан уч ойлик курсда ўқиб, бухгалтер ёрдамчиси бўлиб ишга тикландим.

Юзага келган мураккаб вазиятда бошланғич касабга уюшмаси раисининг ходимларни қанчалик яхши билиши қўл келди. Масалан, собиқ назоратчи Шахло Холиқуловани компьютер саводхонлиги яхшилигидан хабардор бўлгани учун оператор лавозимига тавсия қилди. Тузилган комис-

сия иштирокида унинг билими синовдан ўтказилиб, масалага ечим топилди. Касабақўм етакчиси таклифи билан ишга тиклангандар орасида назоратчи Санобар Тавбаева, 2-гуруҳ ногирони Дилфуза Шарипова, бухгалтер ёрдамчиси Ойшаҳар Алимова ҳам бор.

Электромонтёр Икром Матвалиев корхонада қоровул бўлиб ишлайди. Фарзандининг қўл суякларига туғма ногиронлик бор. Фарзандига кечиктириб бўлмас операция тавсия қилинди. Шундай пайтда касабга уюшмаси моддий ёрдам қўлини чўзди. Операция ўз вақтида ўтказилди. Шу тариқа равшанлик топан кўнглиларда ишга муҳаббат, соғайишга интилиш ошди.

Жамоа шартномасининг ўтган йил давомидаги ижроси муҳокамасида касабга уюшмаси чиндан-да меҳнат аҳлининг ҳамкори ва таянчи эканлиги ўз тасдиғини топди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«Ishonch» мухбири

Сизнинг адвокатингиз

## Корхона тугатилди

бу таътил пулини тўламасликка асосми?

Жиззах вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан фуқаро Шаҳноза Умарованинг ҳомиладорлик ва туғиш таътили нафақасини олишда ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати ўрганилди. Маълум бўлишича, у бир неча йил «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлинмаси бош мутахассиси лавозимида ишлаб келган.

III Умарова 2014 йил сентябрдан 2017 йил 15 март ҳолатига ўтган, Аммо Фуқаролик кодексининг ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлиш 50-моддасида, юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янги-дан вужудга келган юридик шахсга ўтиши қайд этилган. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 98-моддасида корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига ўтказилиши меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмаслиги белгиланган бўлиши билан, МКнинг 233-моддасида эса ҳомиладорлик ва туғиш таътили 126 календарь кунга, туғиш қийин кечган ёки икки ёки ундан ортқ бола туғилган ҳолларда яна

қўшимча 14 календарь куни миқдорида берилиши кўрсатилган. Бундан ташқари, «Меҳнатга лаёқатсизлик варакаларини бериш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 29-бандида бола парвариши таътилида бўлган аёлларнинг такрорий ҳомиладорлиги учун меҳнатга лаёқатсизлик варакаси умумий асосда берилиши таъкидланган.

Касаба уюшмалари ходимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш берувчига 2014 йилдаги меҳнатга лаёқатсизлик варакаси учун яна 14 календарь кунга, 2017 йилдаги такрорий ҳомиладорлиги учун берилган меҳнатга лаёқатсизлик варакаси бўйича 126 календарь кунга нафақа тўлаши ҳақида тақдимома киритди.

Иш берувчи тақдимомага асосан Шаҳноза Умарованинг ҳуқуқларини тиклади.

Сўхробжон НУРУЛЛАЕВ,  
Жиззах вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи юристконсулти

Дил изҳори

Юртимиздаги осойишталик, фарзандларимизнинг бахту қамолдан доимо кўнглимиз тоғдек кўтарилиб юради. Қизим Гулсара тиббиёт ходими, инсонлар саломатлиги муҳофазасидек савобли касб этагини тутган.

## Имтиёзли йўлланма билан

Фарзанд — дил қуввати. Ҳар бир она ўз боласи, унинг жамиятга, халққа келтираётган фойдаси билан гурурланади. Ушбу хис менга ҳам бегона эмас.

Кескалик деймизми ё вақт таъсирини, вақти келиб олам анча нозиклашиб қолар экан. Буни болалар ҳам сезишди чоғи, бир кунни шифокор кизим бир энлик қоғоз кўтариб келиб қолди. «Сизга Иби Сино номидagi сихаттоҳга йўлланма олдим, бир саломатлигингизни мустаҳкамлаб келинг», деди. «Нима қилардинг ортқича харажат қилиб» десам, бу касабга уюшмаларининг имтиёзли йўлланмаси эканини айтиб, кўнглимни яна ҳам кўтариб юборди.

Хуллас, сихаттоҳга йўл олди. У ерда дам олувчиларга, айниқса, кескаларга яратилган шароитдан беҳад мамнун бўлди. Турли тиббий муолажалар ҳам руҳимизга, ҳам танамизга қувват бахш этди. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларига ғамхўрлик кўрсатиб келаётган касабга уюшмалари бор бўлсин! Сихаттоҳда биргаликда дам олган нурунийларнинг аксарияти фарзандлари орқали имтиёзли йўлланма асосида дам олаётган экан. Уларнинг ҳам кўнглилари жамоат ташкилоти мурувватидан тоғдек кўтарилиди.

Сафия САЕДОВА,  
Самарқанд шаҳрида яшовчи меҳнат фахрийси

Миннатдорлик

## Саёҳат завқи

Яқинда Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Хива тумани кенгаши ташаббуси билан бир гуруҳ аъзоларнинг Бухоро вилоятига саёҳати уюштирилди. У ердаги «Жўй-зар» соғломлаштириш масканида бизни малакали шифокорлар кўриқдан ўтказиб, тиббий тавсиялар беришди.

Саёҳат давомида шаҳарнинг қадимий ёдгорликларини томоша қилдик. Баҳовуддин Нақшбанд бобомиз мангу кўним топган мажмуага зиёрат қалбларимизни ёлдуга тўлдириди. Шундан сўнг Самарқанд шаҳрига қараб йўлга чиқдик. У ерда буюк давлат арбоби, Биринчи Президентимиз Исрол Каримов қабрини зиёрат қилдик.

Келажақ авлодин билимли ва қомил инсон қилиб тарбиялаш ўқитувчиларнинг асосий вазифасидир. Ёшларни буюк аждодларимиз мероси билан таъиништиришда бу каби саёҳатларнинг аҳамияти ниҳоятда улкан. Кўрган ва кузатгандаримизни дарс мобайнида айтиб берганимизда, уларнинг қалбиди ва танпарварлик туйғулари жўш ураётганини юз-қўзлари айтиб турибди. Бу эса саёҳат завқи узок давом этишидан далолатдир.

Бундай эзгу ишнинг бошида турган, таълим филолиларига қувончу завқ улашган барча-барчага миннатдорлик билдирамиз.

Аллаберган ОТАЖОНОВ,  
Хива туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси

Бор бўл, оқибат!

## ЭЪТИБОР — инсонга қанот

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ўқув-хизмат буюқларини рағбатлантириш ҳамда даромад топишга иштиёқ уйғотиш, ташаббусларни рағбатлантиришдан иборатдир.

Иш берувчи ва касабга уюшма кўмитаси томонидан кўрсатилган моддий ёрдам туфайли улардан фўрда бўлиб, руҳан те-тиклашди.

Шунингдек, кимёвий технология кафедраси доценти Зулфия Рўзиеваннинг ҳам жамоа шартномаси асосида кўрсатилган ғамхўрликдан боши осмонга етди. Нафақат ўзи, балки оила аъзоларининг ҳам иш берувчи ва касабга уюшмасига ишончи ортди.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида иш берувчи ва касабга уюшма кўмитаси ўртасида 2015 — 2017 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги бажарилишига бағишланган йиғилишида юқоридаги каби қўллаб-савобли ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Шу билан бирга институт ходимлари ва талабалари касабга уюшма кўмитаси раиси Фай-

зиддин Тиловатов аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш мақсадида атрофчида тўхталиб, ходимларга фарзандларини чет тилларига ўқитиш учун иш берувчи ҳисобидан моддий кўмак берилиши, институт ходимларининг белгиланган тартибда дастлабки ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши ҳамда иш берувчининг ходимларни йилда қамда бир марта эпидемия хавфи мавжуд бўлган касалликлардан таълим муассаси ҳисобидан эмлаш каби мажбуриятлар бажарилишига етарлича эътибор қаратилмаганини эътироф этди.

Музокаралар жараёнида 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳаси кўриб чиқилиб, унга бир қанча қўшимчалар киритилди.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Жамоа шартномаси амалда



## Қарс икки қўлдан

Сафимиздаги 12 та цех ташкилотларига бирикман салкам 400 нафар аъзонинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда «Термиз халқаро аэропорти» ДУК раҳбарияти билан 2017 — 2021 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган жамоа шартномаси қўл келмоқда. Касаба уюшма кўмитаси фаолиятини янада кенгайтиришда ижтимоий шериклик муносабатлари муҳим рол ўйнаётир.

Иш ҳақи, пенсионерларимиз ҳамда ёш фарзанди бор аёлларимизга тегишли нафақа пуллари белгиланган муддатда берилаётти. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варакаларига тўланадиган нафақа, хизмат сафари харажатлари, биринчи маротаба ниҳоддан ўтаётган ёшларга моддий ёрдам, оиласида фарзанд туғилганда

белгилаб қўйилган бир марталик суянчи пулларида ҳам узиллишлар йўқ. Ҳалол ва виждонан меҳнат қилган ходимларни рағбатлантириш

ЦЕХ КАСАБА УЮШМА ГУРУҲЛАРИМИЗ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ХАРАКАТЛАРИ, АЙНИҚСА, ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ. МУСОБАҚА СОВРИНДОРЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНМОҚДА. ҲАР БИР БАЙРАМДА СОҲАДА ИШЛАБ, НАФАҚАГА ЧИҚҚАН НУРОНИЙЛАР, ИШ ВАҚТИДА ЖАРОҲАТ ОЛИБ КАСБ КАСАЛЛИГИГА ЧАЛИНГАН САФДОШЛАРИМИЗ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНИБ, БЕМИННАТ ЁРДАМ КЎРСАТИБ КЕЛИНМОҚДА.

доимо диққат марказимизда.

Мухими, самарали меҳнат учун зарур бўлган шарт-шароитлар меъёрий ҳужжатлар орқали қафолатлаб қўйилган. Жумладан, ювиниш-кийиниш хоналари қайтадан реконструкция қилиниб, янги санитария-техника ускуналари билан таъминланди, дам олиш хоналари талаб даражасига келтирилди.

Цех касабга уюшма гуруҳларимиз етакчиларининг спортни ривожлантириш борасидаги саъй-харажатлари, айниқса, таҳсинга лойик. Мусобақа совриндорлари муносиб тақдирланмоқда. Ҳар бир байрамда соҳада ишлаб, нафақага чиққан нурунийлар, иш вақтида жароҳат олиб касб касаллигига чалинган сафдошларимиз, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, беминнат ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Жамоамизда туризмга эътибор тобора ортиб бормоқда. Ўтган йилда аъзоларимиздан 50 нафари қадимий ва навқирон Самарқанда, яна 50 нафари вилоятимиздаги улуг алломалар Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳамда Имом Исо ат-Термизий мажмуаларида бўлишди. Ишчиларнинг болаларини оромгоҳларда дам олдириш, ходимларга соғлигини тиклаш учун сихаттоҳларга йўлланмалар бериш, уларнинг олий ўқув юртиларида тўлов шартномаси асосида ўқиётган фарзандларига кўмаклашиш алоҳида эътиборда. Дарвоқе, жамоамизда ишловчи 65 нафар хотин-қизга жамоа шартномаларида қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, хусусан, қарамогиди ёш болалари бор аёлларимизнинг иш вақти бир соатга қисқартирилган.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, аъзоларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги самарали фаолият иш унумдорлиги орттиришга хизмат қилмоқда.

Зиёвиддин НАЖМИДДИНОВ,  
«Термиз халқаро аэропорти» ДУК касабга уюшма кўмитаси раиси





**«ЎЗБЎРҒУНЕФТГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ВА БИРЛАШГАН  
КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ:**

**Жаннатмакон юртимиз бундан-да  
гуллаб-яшнасин.**

**Меҳнатсевар халқимиз соғ-саломат,  
дастурхонимиз тўкин-сочин, турмушимиз  
янада фаровон бўлсин!**



**Қашқадарё вилояти касаба  
уюшма ташкилотлари  
бирлашмаси кенгаши:**

**Дилларимиз доимо яшариш ва  
яратиш завқига лиммо-лим тўлсин!  
Озод ва обод мамлакатимиз янада гуллаб-яшнасин.  
Меҳнат зафарлари барчага ёр бўлсин!**

**Шофиркон тумани тиббиёт  
бирлашмаси маъмурияти ва  
касаба уюшма қўмитаси**

**Эл саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган соҳа ходимларини,  
барча юртдошларимизни янгилаш ва яшариш байрами —  
Наврўзи олам билан самимий қўтлайди.  
Наврўзи олам хонадонингизга қувонч ва қўт-барака олиб келсин.  
Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!**

**Байрам таровати ҳар бир инсонга  
хуш кайфият, кўтаринки  
руҳ бахш этсин!**



**Бухоро минтақавий темир  
йўл узели уштар корхонаси  
маъмурияти ва ҳудудий  
касаба уюшма қўмитаси**

Соҳа ишчи-ҳодимларини, мамлакатимизнинг барча  
аҳолисини меҳр-мурувват, эзгулик, ҳамжиҳатлик ва  
латофат айёми — Наврўз умумхалқ байрами  
билан табриклайди.

Ватанимиз равнақи ва халқимиз  
фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатимиз  
улкан зафарлар билан янада сайқал топсин.  
Янги кун юртимизга тинчлик-хотиржамлик,  
хонадонларимизга эса бахт-саодат, файзу барака,  
фаровонлик олиб келсин!



**«Когонёғ» акциядорлик жамияти  
маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси**

**Жонажон диёримизда яшаётган барча-барчани,  
жумладан, соҳамиз ишчи-ҳодимларини,  
ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган жамоалар аъзоларини  
қўтлуг айём — Наврўзи олам билан самимий қўтлайди.  
Яратувчилик ишқи билан ёнаётган дилларни қувонч ва бахт  
шодиёналари асло тарк этмасин!**

Ўзбекистон Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба  
уюшмаси Самарқанд вилоят ташкилотлари бирлашган қўмитаси, вилоят Автомобилдорлар  
қўнгилли жамияти жамоалари Жамиятнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси  
**Баҳром РАХИМОВ**нинг  
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билди-  
ради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Бирлаш-  
ган касаба уюшма қўмитаси жамоаси вазирлик марказий апаратининг  
Чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи  
Собижон Мавлоновга отаси  
**ИБОДУЛЛА ҲОЖИ** отанинг  
вафот этганиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.



Татабларингизга буювди. «Ishonch» газетаси 2018 йилининг апрелидан сотувга чиқарилади.



МУАССИС:

O'zbekiston  
kasaba  
uyushmalari  
Federatsiyasi



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
116-рақам билан рўйхатга  
олинган.

Бош муҳаррир:

Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63  
Хўқўқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43  
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар,  
таҳлилий, таққидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни  
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ispetka bank» Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон  
Республикаси — (+998-91) 268-92-32  
Андижон — (+998-91) 475-23-60  
Бухоро — (+998-93) 653-50-81  
Жиззах — (+998-91) 943-67-44  
Наманган — (+998-90) 260-50-77  
Навоий — (+998-93) 314-13-03  
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87  
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55  
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07  
Фарғона — (+998-91) 141-27-70  
Хоразм — (+998-90) 719-48-00  
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

У. Ибодитов  
Навбатчи:  
Ж. Эргашев  
Муҳаррир:  
С. Шодиева  
Саҳифаловчи:  
Х. Абдулжалилов  
Босишга топшириш вақти: — 03:30  
Топширилди: — 03:50  
1 2 3 4 6  
Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ,  
Буюртма Г — 309,  
36887 нускада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133